БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 июнь Пайшанба
№ 108 (13544). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида АХБОРОТ

6 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Мажлис бошланиши олдидан делегатлар Намойишлар хиёбонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Эрталаб соат 10 да очилган мажлисда саноқ комиссиясининг раиси В. Н. Сигедин Ўзбекистон Компартияси марказий органларини сайлаш натижаларини эълон қилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат — тафтиш комиссияси аъзолари сайлови бўйича ёпиқ (яширин) овоз бериш натижалари тасдиқланди.

Съезд КПСС Марказий Қўмитасига ва КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссиясига тавсия этиладиган номзодлар юзасидан таклифларни тасдиқлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига КПСС XXVIII съезди якунларини ва унда қабул қилинадиган қарорларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР XXII съезди делегатларининг ваколатларини сақлаб қолган ҳолда съезд ишини давом эттириш имкониятини кўриб чиқишни топширди.

Делегатлар 6 июнда очиладиган Қозоғистон Коммунистик партиясининг XVII съездига табрикнома юбордилар.
Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Партия қурилиши ва қадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлимнинг сектор мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг пленуми бўлди.

А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ж. Ҳамидов, Р. А. Попов, А. И. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари ва Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Д. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ҳ. А. Исамуҳамедов, С. М. Мамарасулов, Р. Маматова, Ш. Р. Мирсаидов, С. Д. Ниетуллаев, А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси комиссияларини тузди ва уларнинг раисларини тасдиқлади: А. С. Ефимов Ташкилий-партиявий ишлар масалалари комиссиясининг раиси, Ж. Ҳамидов Мафкура комиссиясининг раиси, М. И. Иброҳимов Ҳуқуқий масалалар комиссиясининг раиси, Р. А. Попов Ижтимоий-иқтисодий, сиёсат масалалари комиссиясининг раиси, А. И. Икромов Аграр сиёсат масалалари комиссиясининг раиси бўлди.

Пленум жумҳурият рўзномалари ва жаридаларининг муҳаррирларини тасдиқлади: Р. Раҳмонов «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг муҳаррири, Р. А. Сафаров «Правда Востока» рўзномасининг муҳаррири, Ш. Ниёзов «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасининг муҳаррири, Н. А. Умеров «Ленин байроғи» рўзномасининг муҳаррири, А. Ғ. Мухторов «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» рўзномасининг муҳаррири, Ч. А. Абутолипов «Ўзбекистон коммунисти»—«Коммунист Узбекистана» жаридасининг бош муҳаррири, Б. Юсупов «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» жаридасининг бош муҳаррири бўлди.

Пленум ишида КПСС Марказий Қўмитаси Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлим секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди.

Пленум Ш. М. Йўлдошевни Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси ва президиум аъзоси қилиб сайлади.

И. П. Алесич Назорат-тафтиш комиссияси раисининг биринчи ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.
И. Р. Иноғомов Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ва президиуми аъзоси қилиб сайланди.

М. Э. Абдусаломов, Н. П. Арсентьева, Э. Д. Боқибоев, И. А. Бибиков, Б. М. Капитонов, М. М. Мирқосимов, Н. А. Муҳиддинов, К. Неъматов, М. М. Расулов, И. И. Федоринов Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси президиумининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари ва Бюро аъзолари, КПСС Марказий Қўмитасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.



Сиз суратда кўриб турган қиз Хуршида Қурбонова. Хуршида Ҳазорасп ип йигирув фабрикасида калаваловчи бўлиб ишлайди. ВЛКСМ аъзоси. У ўзига берилган кунлик топшириқларни 105—110 фоиз бажариб, тенгдошлари орасида илғорликни қўлдан бермай келаётир. Хуршида ҳақида таниш-билишлари «ғайратли қиз» дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. У оилада саккиз фарзанднинг бири. Бўш кунларида оила аъзолари ижарага олган далада ҳам ишлайди.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

БАҲС ҲАЛИ ТУГАМАДИ

Ниҳоят, Ўзбекистон коммунистларининг жуда қисқа, яъни бор-йўғи уч кун давом этган XXII съезди ўз ишини тугатди. Бу съезднинг аввалгиларидан фарқи катта. Бу фарқ аввало анжуманнинг чинакам ошкоралик руҳида ўтганлиги, унда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг ҳаётийлигида кўринади.

Лекин уч кунлик анжуман давомида барча муаммоларга ечим топиш, барча саволларга жавоб бериш мумкин ҳам эмасди. Аммо уларни ижобий ҳал этиш учун ташланган қадамлар ёруғлик, фаровонлик томон эканлиги бугун кўпчиликка аён.

Съезд делегатлари ўз таассуротларини ўртоқлашмоқдалар, Ўзбекистон халқи, жумҳурият тақдири билан боғлиқ баҳс-мунозаралар қизғин давом этмоқда.

Бутун Ўзбекистон аҳлининг, қолаверса барча коммунистларининг бир неча йиллардан бери юракларида сақланиб ётган дард-аламлари ошкора айтилган биринчи съезд бўлди, десак, хато қилмаган бўламиз. Съездда маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққан делегатларнинг нутқларидан шуни англаш мумкинки, кўп йиллардан бери мудроқ босиб ётган халқимиз, қолаверса, жумҳурият раҳбарлари ғафлат уйқусидан уйғониб, кўзини очганлиги ва ўзлигини таниганлиги кўриниб турибди.

Менинг назаримда, съезд делегатларининг деярли ҳар бирида музокараларда сўзга чиқиш иштиёқи бор эди. Шахсан ўзим ҳам кўпдан бери мени қийнаб юрган масалалар бўйича, айниқса, КПСС Марказий Қўмитасининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПССнинг янги Устави лойиҳаси тўғрисида бу ҳужжатларнинг нақадар хомлиги тўғрисида, бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари, жумҳуриятимизни сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш, қонунчилик, янгиланиш ниқоби остида марксизм-ленинизм асосларидан, социализм принципларидан чекинишлари ва бошқа масалалар тўғрисида гапириш ниятида эдим.

Аввалом бор шуни айтиш кераки, Сиёсий маърузанинг ўзида жумҳуриятимиз аҳлининг юрагидаги барча дард-аламлари ўз ифодасини топганлиги мен каби кўпчилик съезд иштирокчиларининг сўз олишларига ҳожат қолдирмади.

Мана, съезд ҳам ўз ишини тугатди. Мен оддий бир коммунист сифатида съезд қабул қилган қарордан бир томондан хурсанд бўлган бўлсам, иккинчи томондан, ҳали ўз ечимини топа олмаган бир қанча масалалар борки, улар албатта кўпчиликни ўйлантирмай иложи йўқ. Масалан, жумҳуриятимиз сиёсий-иқтисодий мустақилликка ўтганидан сўнг Иттифоқ билан иқтисодий муносабатлар қандай бўлади?

Агар иқтисодий мустақилликка эришилса, унда ишлаб чиқаришдан олинадиган соф фойданинг 25 фоизи ва бошқа тўловлар нима учун Иттифоқ жамғармасига ўтказилиши керак? Хуллас, шу каби жумбоқли масалалар кўп. Ўзбекистон коммунистларининг XXII съезди ўз ишини тугатган бўлса-да, съезд делегатлари КПССнинг XXVIII съездидан сўнг яна бир бор йиғилишиб, ана шу масалаларни ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастурини ва ўз Уставини ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқадилар.

Раҳматулла БОҚИЕВ,
Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди делегати, Тошкент шаҳридаги 1-темир-бетон буюмлари заводи ишчиси.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев 5 июнь куни Москвага қайтиб келди. У АҚШ ва Канадага давлат ташрифи буюрган эди.

М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳлик қилган СССР Президентлик кенгашининг аъзолари Ю. Д. Маслюков, Е. М. Примаков, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин у билан бирга қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни СССР давлат ва сиёсат раҳбариятининг аъзолари — Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов, Ч. Айтматов, В. В. Бакатин, В. И. Болодин, Г. И. Ревенко, В. А. Ярин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Жойс, Канаданинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Тейлор бор эдилар.

(ТАСС).

Шу сонга хабар

Ибратли хизмат

Дарвоқе шундай. Вилоят савдо бошқармасининг хўжалик ҳисобида ишлаётган Қизил Байроқли коммунистик меҳнат жамоаси — «Ёшлик» комсомол-ёшлар мактаби жамоаси Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 22 съезди арафасида беш йиллик савдо-сотиқ режаларини муддатидан олдин бажардилар. Аҳолига 21 миллион 600 минг сўмлик миқдорда турли озиқ-овқат ҳамда ноозиқ—овқат маҳсулотлари сотилди.

«Андижонча савдо усули» деб ном олган машҳур ташаббус харидорларга савдо хизмати кўрсатишнинг мутлоқо янги шаклини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. «Ёшлик»нинг ходимлари уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар орасида серқирра оталиқ ишларини олиб боришаётир. Уларнинг уйларига турли хилдаги маҳсулотлар буюртмаларга асосан олдиндан етказиб берилмоқда. Бу ишларни жамоа хизматчилари ҳеч қандай қўшимча ҳақ олмаган ҳолда бажаришмоқда.

«Ёшлиқ» 1990 йилдан бошлаб корхона маблағи ҳисобидан собиқ ходимларининг нафақаларига ҳар ойда 30 сўмгача қўшимчалар тўлашни жорий этди. Магазин-мактаб қошидаги халқ ашула ва рақс дастаси иштирокчилари катта концерт программалари билан қишлоқ меҳнаткашларини хушнуд этиб келишмоқда.

Бугунги зафар ана шундай самарали ишларнинг ёрқин натижаси бўлди.

«Ёшлик» билан мулоқот

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунида таниқли жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир, санъаткорлар билан тез-тез учрашув, қизиқарли кечалар ўтказиб туриш яхши анъанага айланиб қолган. Дорилфунуннинг гуманитар фанлар бўйича сиёсий тарих кафедраси ва журналистика куллиёти ташаббуси асосида «Ёшлик» жаридаси ижодий жамоаси билан мароқли учрашув бўлиб ўтди.

Жарида бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Омон Матжон жарида фаолияти, унда эълон қилинаётган материаллар, ёшлар ижоди, жарида билан боғлиқ муаммолар, келажак режалари ҳақида сўзлаб берди. Шоир ўзининг янги шеърларидан намуналар ҳам ўқиди.

Жарида наср бўлимининг мудири. У. Қўчқор, назм бўлими мудири А. Жалил, жарида ходимлари Н. Муҳаммадиев ва Ш. Содиқлар ҳам учрашув қатнашчиларига Ватан, инсон, замон, муҳаббат мавзуларидаги шеърларидан ўқиб бердилар. Мақоланавислик бўлимининг мудири С. Ўнар жаридада эълон қилинаётган бадиий публицистик мақолалар, кишилар тақдири ва жарида муштарийлари, ўқувчиларининг фикри ҳақида тўхталди.

Сўнгра мухлислар «Ёшлик» жаридаси саҳифаларида эълон қилинган асарлар, мақолалар ҳақида фикр, мулоҳазалар билдирдилар. Журналистика куллиёти доцентлари С. Умиров, Ф. Насриддинов, Б. Дўстқораев, сиёсий тарих кафедраси доценти Т. Ҳамроев, журналистика ва ўзбек филологияси куллиёти талабалари, ўзларининг холис фикр ва истакларини баён этдилар.

Жумҳурият халқ ижодиёти уйида ҳам шоир Омон Матжон ижодий кечаси бўлиб ўтди. Тошкент Давлат маданият институтининг Ў. Обидов раҳбарлигидаги талабалар гуруҳи уюштирган бу кечада шоир «Нега мен?» номли янги достонидан парчалар ўқиди.

Ҳаваскор талабалар бадиий жамоаси О. Матжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар маромномасини намойиш этдилар.

Марҳамат ҲОДИЕВА.

Қўқонликлар Кустанайга боришади

Тошкентда футбол бўйича жумҳурият олий ўқув юртлари Универсиадаси финал учрашувлари бўлиб ўтди. Универсиада программасидан ўрин олган бу мусобақаларда 8 команда икки группага бўлинган ҳолда кураш олиб борди.

Биринчи группада Самарқанд, Бухоро ва Нукус командалари устидан ғалаба қозонган Ўзбекистон ССР Давлат жисмоний тарбия институти футболчилари устунликка эришдилар. Иккинчи группада эса Қўқон педагогика институти талабалари Андижон, Ангрен ҳамда ТошМИ жамоаларини мағлубиятга учратиб финалга чиқдилар.

Учинчи ўрин учун бўлган баҳсларда ТошМИ ҳамда Нукус командалари майдонга тушишди. Ўйинни кўтаринки руҳда ўтказган қорақалпоғистонлик футболчилар 6:4 ҳисобида ғалаба қозонишди. Ҳал қилувчи учрашувда Қўқон педагогика институти ҳамда жисмоний тарбия институти талабалари куч синашдилар. Биринчи таймда кучлар нисбати тенг бўлди, ҳисоб очилмади. Иккинчи тайм ўрталарида Санжар Мақсудов меҳмонлар дарвозабони хатосидан фойдаланиб гол урган бўлса орадан кўп ўтмай қўқонликлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. 90 минут давомида ҳисоб ўзгармади.

Мусобақа низомига кўра ғолиблар 11 метрлик белгидан тўп тепиш орқали аниқланди. Жисмоний тарбия институти талабалари 3 марта, қўқонликлар эса 5 марта дарвозани аниқ нишонга олишди. Шундай қилиб, Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти командаси олий ўқув юртлари орасида Универсиада ғолиби бўлишди. Истеъдодли тренер Алижон Толибжоновнинг шогирдлари орасида Носир Ғуфуров, Нуъмон Ҳасанов, Артур Кабриелов, Муҳиддин Абдувалиев, Акмал Ортиқов сингари футболчилар, айниқса, маҳорат кўрсатдилар. Энди улар Кустанай шаҳрида бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ Универсиадаси мусобақаларида иштирок этадилар.

А. ИМОМХЎЖАЕВ.

Қоракўл шаҳридаги ип-йигирув фабрикасининг фойдаланишга топширилганига уч йил тўлди. Бухоро тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тармоғи ҳисобланган кенжа корхонанинг маҳсулотига жумҳурият трикотаж саноати корхоналари кўз тикиб турибди. Хўш, қоракўллик тўқимачилар уларнинг эҳтиёжини қондира олаяптими? Умуман фабриканинг истиқболини қандай тасаввур қилиш мумкин? Корхонанинг ноҳия аҳолисини иш билан таъминлашдаги ўрни қандай!

Мухбиримизнинг фабрика директори Т. Ш. МАМАТНАЗАРОВ билан суҳбати мавзуи ана шулар ҳақда бўлди.

Ҳолва деган билан...

— Тўрақул Шукурович, аввало муштарийларимизда тўлароқ тасаввур ҳосил бўлиши учун сиз етакчилик қилаётган корхонанинг мавқеи ҳақида тўхталсак...

— Нима демоқчилигингизни фаҳмладим. Биласизми, жумҳуриятимизда ингичка толали пахтадан калава ишлаб чиқарадиган атиги иккита корхона бор. Шулардан биттаси бизнинг фабрика. Биргина ана шу фактнинг ўзиёқ зиммамизга юклатилган масъулият ниҳоятда катта эканлигидан далолат бериб турибди. Бугунги кунда жумҳуриятдаги 5 та йирик трикотаж корхонасига хом-ашё етказиб бераяпмиз. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, ўтган йилнинг биринчи уч ойлигида юқоридаги шартномачиларимизга 250,4 тонна, яъни 1 миллион 410 минг сўмликдан зиёд маҳсулот жўнатган эдик. Жорий йилнинг ана шу даври мобайнида эса бу миқдор 305 тоннани ёки 1 миллион 795 минг сўмликни ташкил этди. Ушбу вақт ичида фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати даражаси 56 фоиздан 75 фоизга кўтарилди.

— Ишлаб чиқариш қувватларининг лойиҳа даражаси муддатларичи! Ахир, янглишмасам, корхона уч йил ичида юз фоиз қувватга эришиши лозим эди-ку!

— Дарҳақиқат, афсуски, лойиҳада белгиланган қувватга чиқолганимиз йўқ. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

1989 йил натижаларини олиб кўрайлик. Ўтган йилги асосий план-кўрсаткичлар 92 фоизда қолиб кетди. Бу истеъмолчи трикотажчиларга 140 тонна маҳсулот кам етказиб берилди демакдир. Масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, аҳоли шу ҳажмдаги хом-ашёдан тайёрланиши керак бўлган трикотаж кийим-кечакларни кам олди. Лойиҳадаги қувватларга чиқолмаганлигимизнинг сабаблари ҳақида сўрадингиз. Ишимизнинг олға силжишига тўсқинлик қилаётган энг катта муаммо бу кадрлар масаласидир. Фабрика қурилишини лойиҳалаш ва уни бунёд этиш пайтида корхона учун ишчи кадрлар тайёрлашга етарли эътибор қаратилмаганлиги бугун ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Битта ишчини тайёрлаш учун олти ой вақт керак бўлади. Бундай билим юрти фақат Бухоро шаҳрида жойлашган. Ноҳиялардан у ёққа қатнаб ўқишни эса ёшлар хоҳлашмайди. Анча узоқлик қилади. Шуларни ҳисобга олиб бу йилдан бошлаб ноҳиямиздаги 17-ҳунар-техника билим юрти билан шартнома туздик, тўқувчиликка ихлосманд ёшлардан 56 нафарини ҳунар масканига жалб қилдик. Бугунги кунда улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда йигирувчилик сир-асрорларини мукаммал ўрганишмоқда. Уларга касб ўргатувчилар эса ўзимизнинг мутахассислардир.

— Фабрикани тезроқ оёққа турғазишнинг яна қандай имкониятлари мавжуд! Ноҳияда қанчадан-қанча кишилар ишсиз юрган бир пайтда корхонадаги резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланилмаётганлигини қандай баҳолайсиз!

— Фабрикани тўла қувватга олиб чиқиш ҳамда келгусида уни рентабелли корхонага айлантиришнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, ишлаб чиқаришга шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолини сафарбар қилишдан иборат. Ҳозирда эса бу ерга ноҳиямиздаги чекка қишлоқлар ёшлари қатнаб ишлашади. Ҳатто, қўшни Свердлов ноҳиясидан, 42 чақиримлик масофадан ёшлар қатнайди. Уларнинг ҳаммаси энг тажрибали кадрлар саналишади. Агар ишга бир кун келишмаса, тамом, шу кунги топшириқнинг бажарилиши барбод бўлди, демакдир.

Бу ўринда мен транспорт қатновини назарда тутмоқдаман.

Ишчиларимизни ташиш учун ҳар куни ҳар битта автобус учун 90 сўм атрофида пул тўлаймиз. Бу маблағ давлатнинг ҳамёнидан эмас, балки энг аввало, ишчилар ҳамёнидан кетди, деганидир. Ноҳия ҳудудида қатновчи автобусларнинг ҳаракатини фабрикамиздаги сменалар вақтига қараб мувофиқлаштириш масаласини биз бир неча марта ноҳия фирқа, шўро ташкилотлари олдига қўйдик. Қўйишимизга қарамасдан ҳанузгача ижобий жавоб ололганимиз йўқ. Бугунги кунда Қоракўл шаҳрининг ўзида бир ярим мингга яқин ишсиз ёшлар борлиги кўпчиликка сир эмас. Иккинчи сменадан сўнг маршрут бўйича қатновчи транспорт йўқлиги сабабли улар фабрикамизга кириб ишлашни хоҳлашмаяпти. Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг яқинда бўлиб ўтган сессиясидаги жумҳурият Президентининг сўзини эсга олайлик: «Ноҳия марказларида, қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, филиал ва цехларни қуриш, уларда меҳнатни турлича ташкил қилиш — қисқартирилган иш куни ва ҳафтаси, уйда ишлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш керак. Ва ниҳоят илмий-техник тараққиётнинг бугунги даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бусиз аҳолининг иш билан бандлигини ҳам, умуман олганда эса миллий ва ижтимоий тараққиётни ҳам таъминлаб бўлмайди».

— Фабрика ишчи кучларининг сифат таркиби ҳақида ҳам тўхталсангиз. Зеро улар баҳоли қудрат бўлса-да, меҳнат қилишаяпти-ку.

— Лойиҳа бўйича корхонамизда 530 киши ишлаши керак. Аслида эса 560 киши фаолият кўрсатмоқда. Нега шундай? Юқорида мен айтган 530 киши юқори малакали, йигирувчилик сир-асрорларининг ипидан игнасигача биладиган разрядли кадрлар бўлиши лозим. Аммо бундай асосий ишчилар етишмаслиги туфайли 60 нафар якка тартибдаги шогирдлар қабул қилганмиз. Ҳозирча улар йигирувчилик учун зарур сифатларни эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассисларимиз уларнинг ҳунар ўрганишларига бош-қош бўлиб туришибди. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат даражаси, мавжуд техникалар қарови, техника хавфсизлиги, кундалик ўсиш суръатлари — буларнинг ҳаммаси юқоридаги жиҳатлар билан узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик даркор.

Бошқача қилиб айтганда, шогирдларга ҳам муайян миқдордаги дастгоҳлар бириктирилади. Пировард натижада меҳнат унумдорлиги пасайиб, режани бажармай қоляпти.

— Демак, фабрикада силжиш ҳам, юқорига қараб ўсиш ҳам йўқ экан-да!

— Йўқ! Бу билан бундай эди демоқчи эмасман. Ўсиш бор. Фақат сусткашлик билан бораяпти.

— Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги масаласи қандай ҳал этилмоқда! Рағбатлантириш йўлга қўйилганми ва бўлса, қандай?

— Юқорида таъкидлаб ўтганларимдан ташқари фабрикамизда ёш ишчилар малакасини ўстириш мақсадида 8 та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, уларга кунлик иш нормасини бажара олмаётган, шунингдек якка тартибда ишга қабул қилинган ишчи шогирдларга малакали ишчи мутахассислар бириктирилган. Уларга меҳнат шартномасига кўра қўшимча ҳақ тўланади. Қувватлар тўла ишга тушгач, барча ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланишига умид қилаяпмиз.

— Яна битта муҳим масала юзасидан фикрингизни билишни истардик. Йил сайин йўқолиб бораётган она денгизимиз Орол, шўрхокланиб кетаётган қоракўллик ерлар ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Тўқимачилик корхонасини ҳам сувсиз тасаввур қилиш мумкин!

— Ярамизни янгиладингиз, десам хафа бўлмайсиз. Мана, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари бошланади. Илғаганингиздек, мўътадил ҳарорат бўлмаса, ип йигиришнинг ҳам иложи йўқ. Аммо ташкил топганига уч йил тўлишига қарамасдан фабрика ҳатто ичимлик суви билан ҳам таъминланганича йўқ.

— Нега? Ахир корхона фойдаланишга топширилаётганда мажмуадаги барча иншоотлар соз-носозлиги ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекилганку!

— Ҳамма гап ана шунда. Бу ерда шошмашошарликка йўл қўйилганлиги кўриниб турибди. Таассуфки, сув минорасидан фабрикагача бўлган 2 чақиримлик масофадаги сув қувурини ётқизишда технологик режимга риоя этилмаган. Ва ана: атиги икки чақиримлик қувурнинг 20 жойида авария ўринлари бор. Қоракўл шаҳри аҳолисининг каттагина қисми ҳам ушбу қувур сувидан истеъмол қилади. Санитария ва гигиена қоидаларига зидлиги сабабли уни шу йилнинг 20 февралида беркитиб ҳам ташлашди. Кўриб турганингиздек, фабрика икки ойдан буён сувсиз турибди. Ичимлик сувининг ўрнига иккинчи бир ёқдан келадиган оқар сув ҳисобига базўр кун кечираяпмиз.

Тўғри, айни пайтда қувурдаги авария оқибатларини бартараф этиш устида ҳаракат қилаяпмиз. Афсуски, унинг узлуксиз, бир маромда ишлаб кетишига кафолатни ҳеч ким беролмайди. Шаҳар марказида ва посёлкасида сув таъминоти масаласи ўткир бўлиб турган бир пайтда мавжуд ушбу қувурнинг хизматидан оқилона, тадбиркорлик билан фойдаланмаслик ниҳоятда ачинарлидир.

— Фабрика ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-маиший шароитларига эътибор қандай!

— Яқинда корхонамиз меҳнатчилари учун 24 та хонадонга мўлжалланган уйни қабул қилиб олдик. Шунингдек 190 ўринли болалар боғча-яслиси фойдаланишга топширилди. Келгусида ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш ва уларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришни кўзлаяпмиз. Бунинг учун эса энг аввало маблағ зарур. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият органларининг, бирлашмамизнинг, жумҳурият Енгил саноат вазирлигининг бевосита яқиндан ёрдами керак.

Шу ўринда яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Фабрикамиз ишга туширилгандан буён унинг яқинидаги майдонларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши авж олдириб юборилди. Бу яхши, албатта. Аммо қизиғи шундаки, ана шу ерлардан бизнинг корхона учун ҳанузгача бирорта участка ажратилгани йўқ. Ваҳоланки, турар-жойга муҳтож бўлган ёшу-кекса ишчилар сони фабрикада талайгина. Фабрика яқинида ишчилар шаҳарчасини қуриш билан ҳам ноҳия ҳокимияти, ҳам корхонамиз маъмурияти кўп нарсада ютиши мумкин. Биринчидан, ишчиларимизнинг ишга қатнови енгиллашади. Иккинчидан, уларнинг хонадонларини сув ва газ билан таъминлаш марказлашган бўлур эди.

МАЪЛУМОТ УЧУН ДАЛИЛЛАР: Жорий йилнинг дастлабки уч ойлигида Қоракўл ип-йигирув фабрикаси шартномачи корхоналар: Олтинкўл трикотаж фабрикасига 131 тонна, Андижон трикотаж фабрикасига 63, Тошкент «Малика» трикотаж фабрикасига 17,1, Самарқанд трикотаж корхонасига 93,9 тонна қимматбаҳо калава етказиб бериб, бу борадаги шартнома мажбуриятларини бажарди. Лойиҳадаги қувватларни ўзлаштиришни ҳисобга олмаганда барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган топшириқлар ортиғи билан уддалана бошлади.

Ишлаб чиқариш қувватлари даражасига чиқишга эса вақт ҳали эрта кўринади.

Суҳбатни «Ёш ленинчи»
махсус мухбири
Сувонқул РУСТАМ
олиб борди.

РЕДАКЦИЯДАН: Жумҳурият енгил саноат тармоғининг энг кенжа ва тутган ўрни жиҳатдан муҳим ҳисобланган Қоракўл ип-йигирув фабрикаси жамоаси ҳозирги пайтда қийин дамларни бошдан кечирмоқда. Ниҳоят ишсизлик муаммоси ҳукм сураётган бир пайтда уларни иш ўринлари билан таъминлаш у ёқда турсин, иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган юқоридаги корхона имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Фабриканинг лойиҳадаги қувватига чиқишига кўмаклашиб, кейинчалик унинг янада кенгайиши учун қайғурадиган фурсат етмадимикин!

Ишлар қалай, пиллакашлар?

Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси нафақат вилоятдаги, балки жумҳуриятдаги етакчи тармоқ корхоналардан бири саналади. Бирлашма жамоаси ўтган йили ипак ишлаб чиқариш топшириғидаги 233 ўрнига 257 тонна маҳсулот тайёрлади. Меҳнат унумдорлиги 112 фоизга етди, 37 миллион ўрнига 41 миллион сўмлик хомашё тайёрланди.

Бу ердаги маҳсулот ишлаб чиқариш манзараси ана шундай. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи режалари ҳам муваффақиятли уддаланди.

Хўш, бу ерда асосий куч ҳисобланган инсон омилига қандай эътибор қаратилмоқда? 1990 йилдан бошлаб бирлашмадаги нафақаси 100 сўмга етмайдиган ишчиларга қўшимча нафақа жорий этилди. Шу мақсадда моддий рағбатлантириш жамғармасидан 3000 сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, боқувчисидан ажралган ишчиларнинг фарзандлари ҳар бирига 25 сўмдан нафақа тўланмоқда. 230 нафар ишчига эрталабки нонушта бепул берилаяпти. 503 нафар ишчи тушлик овқатининг тенг ярмиси корхона маблағи ҳисобидан қопланмоқда.

Бундай ғамхўрликдан руҳланган ёш пиллакашлар кунлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, пилла ўраш цехидан Гавҳар Янгибоева, Онабиби Хўжаева, Муқаддас Қобулова, пиллани қайта ўраш цехидан Дурдона Оллаёрова, Зулфия Каримовалар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

Бироқ бирлашмада меҳнат қилаётганлар учун яратилаётган шароитларни қониқарли деб бўлмайди. Участкаларда ишловчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти сувда туриб ишлашади. Дастгоҳларга сув етказиб берадиган қурилмалардан доимо уларнинг устига чакка томиб туради. Совутиш мосламалари иши ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Хуллас, бирлашма маъмурияти пиллакашларнинг меҳнат тарзини яхшилаш учун ҳали кўп ишларни қилишлари керак. Ҳақиқий ютуққа фақат ана шундай чора-тадбирлар орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодий ислоҳотнинг асосий талабларидан бири ҳам шу.

Ш. ЭШЖОНОВА.
«Ёш ленинчи» штатсиз мухбири.



СУРАТДА: Хоразм ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Шарофат Сотимовани кўриб турибсиз.
Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Солиқ бекор қилинди

«Мен Андижон вилояти Жалолқудуқ ноҳиясига қарашли Свердлов номли жамоа хўжалигининг комсомол қўмитасида ҳисоб шўъбаси мудири бўлиб ишлайман, — деб ёзади Одина Хўжаева. — Илгари 115 сўм маошга ишлардим. Лекин маошимдан даромад солиғи олинмасди. 1989 йил октябрида, ойлигимга 10 сўм қўшилди. Аммо 1990 йил январидан бошлаб бухгалтериядагилар 11 сўм 40 тийин даромад солиғи ушлай бошлади. Маошимга 10 сўм қўшилса-ю, 11 сўм 40 тийин ушлаб қолишса? Буни қандай тушуниш мумкин?»

О. Хўжаеванинг шикоятини ўрганиб чиқиш учун **Жалолқудуқ ноҳия комсомол қўмитасига юбордик. Яқинда ноҳия комсомол қўмитаси котиби Б. ЖУМАБОЕВ** имзоси билан жавоб олдик.

«Ҳақиқатан 1990 йил январь ойида Андижон вилояти комсомол қўмитаси молиявий ишлар бўлими кўрсатмасига асосан, жамоа хўжалиги комсомол қўмитаси котиблари ва ҳисоб шўъбаси мудирларидан даромад солиғи ушлаб қолинган. Ушлаб қолинган даромад солиқлари ноҳиялар молия бўлимларига ўтказилган. Яқинда вилоят комсомол қўмитасининг кўрсатмаси бекор қилиниб, ушланган даромад солиқлари маошларига қўшиб берилди».

«Навбатдаги ўлим»

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўзноманинг 1 февраль сонида босилган «Навбатдаги ўлим» сарлавҳали мақолани кўриб чиқди. Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, бемор 10 октябрда касалланиб 11—12 октябрь кунлари ўз турар-жойидаги шифокорларга мурожаат қилган, улар беморни «ўткир вирусли шамоллаш ва ошқозон яллиғланиши»га чалинган, деб ўйлаб керакли дори-дармонлар беришган. Лекин 13 октябрда унинг аҳволи оғирлашиб қолган. «Тез ёрдам» орқали шифокор чақирилган. Беморда «Вирусли гепатит, ошқозон яллиғланиши» касалли борлигига шубҳа қилиниб, 1-юқумли касалликлар шифохонасига юборилган. Шифохонанинг қабул қилиш хонасида беморнинг аҳволи оғирлигини ва мия яллиғланишининг баъзи белгилари бўлганлигини ҳисобга олиб, бемор «касалликни аниқлаш» хонасига ётқизилади. 14 октябрда беморда вирусли гепатит касаллиги аниқланиб, керакли бўлимга ўтказилган. Шундан сўнг беморнинг қон томирига суюқлик юбориш вақтида, унда титраш пайдо бўлиб, аҳволи яна оғирлашади ва реанимация бўлимига ўтказилади. Бўлимда керакли ҳамма чоралар кўрилади. Лекин беморнинг аҳволи оғирлаша бориб, 17 октябрда вафот этади.

Касалликнинг шунчалик оғир ўтишига ва фожиали тугашига қуйидагилар сабабчи бўлиши мумкин. Беморда вирусли гепатит «В» касаллигини оғирлаштирувчи ва унинг ўтишини тезлатувчи «дельта» инфекциясининг қўшилганлиги; касалликнинг бошланиш даврида бемор спиртли ичимликни истеъмол қилганлиги.

Беморда касалликнинг тез бошланиши ва аҳволи оғирлашганига қарамасдан шифохонага ўз вақтида ётқизилмаганлиги, шу туфайли етарли даражада даволанмаганлиги ҳам сабаб бўлган.

Лекин бемор шифохонага тушгандан кейин ҳам, унинг касаллигини аниқлашда сусткашликка йўл қўйилган ва аҳволи оғир бўлишига қарамасдан ўз вақтида юқори малакали мутахассис чақирилмаган.

Беморнинг касал бўлганидан токи вафот этгунигача шифокорлар томонидан кўрсатилган ёрдамлари комиссия томонидан кўриб чиқилди. Бунда «тез ёрдам» врачи Ярашова ва фельдшер Иванова, 14-поликлиника врачи Мавлонова, 1-юқумли касалликлар шифохонаси қабулхонасининг врачи Низомова ва бўлим мудири Насриддинов, шифохона бош врачининг даволаш ишлари бўйича ёрдамчиси Алакбаровалар беморнинг хасталигини аниқлашда, унга ёрдам кўрсатишда маълум камчиликларга йўл қўйган. Шунинг учун уларнинг ҳаммасига маъмурий чоралар кўрилди. Текшириш натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш бўлими мудирининг ёрдамчиси бошчилигида юқорида кўрсатилганлар иштирокида кўриб чиқилди ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаевга юборилиб, шаҳар тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиш топширилди.

Р. СУЛТОНОВ.
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш бўлими бошлиғи ёрдамчиси.

Давр тақозоси

ЭҲТИЁЖ

Яқинда мен араб тили бўйича бир мутахассис дўстим билан Андижонга командировкага бордим. Орадан икки кун ўтгач, андижонлик йигитлардан бири бизни уйига меҳмонга чақириб қолди. Кечки пайт унинг таклифига биноан уйига бордик. Бу ерда ўзимизнинг таниш миллий урф-одатимиз, яъни меҳмоннавозлик сезилиб турарди. Ҳовлига кирганимизда меҳмонга чақирган йигитнинг 7 ёшли ўғилчаси: «Ассалому алайкум», — дея бир қўлида сочиқ, бир қўлида обдаста ушлаб, қўлимизни ювиш учун сув қуйиб беришга тайёр турган эди. Биз унга: «Катта йигит бўлинг!» — дея меҳмонхонага кирдик.

Дастурхонга турли-туман ширинлик ва мевалар қўйилган, эндигина тандирдан узилган иссиқ нонларнинг муаттар иси димоғимизга гуп этиб урилди. Дастурхон атрофига жойлашиб, яхши тилакларимизни айтиб бўлгач, чой келтирилди. Мезбон ҳар биримизга чинни пиёлада чой узатди. Шундай қилиб, меҳмондорчилик бошланди. Шу куни анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат даврида ҳамроҳим араб тили муаллими эканлигини эшитган мезбон дарҳол ўрнидан турди-да, рафиқасини чақириб кирди.

— Сиз араб тилидаги китобларни ўқишни биласизми? — сўради уй бекаси.

— Ҳа, — тортиниибгина жавоб қилди дўстим.

— Бўлмаса бир илтимос. Раҳматли онам умрининг охиригача бир китобни асраб юрарди. У киши 95 ёшга кириб вафот қилганлар. Лекин шу китобни бандаликни бажо келтиришдан икки кун илгари мени чақириб: «Бу китобни йўқотма, авайлаб сақла!» — деган эдилар. Онамнинг айтишларига қараганда, бу китоб Қуръони шариф эмиш. Таассуфки, биз бу китобни ўқишни билмаймиз. Сиз шу китоб қайси тилда ёзилганлигини билиб берсангиз?

Бека дарҳол уй тўридаги токчада турган қутичани очдида, ичидан қизил бахмалга ўралган бир китобни олиб узатди. Дўстим уни қўлига олиб, муқовасига қаради. Сўнг китобни варақлар экан, чиндан ҳам Қуръон эканлигини эътироф этди.

Уй бекаси хурсанд бўлиб, китобни яна авайлаб қутичага солиб қўйди. Шунда одамлардан кўп эшитган. «Нима учун Қуръонни топиш қийин? Нега она тилимизга таржима қилишмайди?» — деган саволлари ёдимга тушди.

Чиндан ҳам уларнинг саволлари ўринлидир. Чунки ушбу ноёб асар аллақачонлар форс, турк, урду, рус, татар ва бошқа тилларда шарҳланган. Лекин ўша даврларда маҳаллий тиллардаги шарҳлар ва изоҳлар албатта араб имлосида бўлиб, улар Қуръон сатрлари тагига жойлаштирилган деган маълумот бор. Исломнинг муқаддас китоби ҳисобланган ушбу нодир асар XII асрнинг биринчи ярмида лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик лотинчадан инглиз, голланд, немис, француз ва бошқа тилларга таржима этилган. Араб тилидан бевосита француз тилига таржимани Р. Блашер амалга оширган.

Ислом дини ва унинг муқаддас китоби Қуръон рус пошшолари ва барча илмли кишиларни ҳам жуда қизиқтирган. Тарихий манбаларга қараганда, қадимги рус адабиёти саҳифаларида ислом дини ва унинг муқаддас китоблари ҳақидаги дастлабки маълумотлар XI асрда кириб келган. Кейинчалик рус савдогарлари ва дипломатия ишлари олиб борувчи кишиларнинг Шарқ мамлакатларидан келтирган хабарлари натижасида рус олимлари ҳамда бошқа ўқимишли кишилар ислом дини ва мусулмонларнинг табаррук Қуръони ҳақидаги маълумотлар билан янада кенгроқ таниша бошладилар. Улар шу билан бирга Арабистоннинг Мадина ва Макка шаҳарлари ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга бўлганлар.

Совет шарқшунос олими П. А. Грязневич ислом динининг муқаддас китоби Қуръони шарифни ўрганишга бўлган қизиқиш бундан бир неча аср муқаддам бошланганлигини қайд қилган. Бу нодир асар дастлаб белорус тилига таржима қилинган.

Қуръоннинг мазмуни ва унинг таржимаси билан айниқса Петр I ғоят қизиққан. У бу асарни рус тилига таржима эттирган. Тарихшунос ва шарқшунос олимлар Петр I Шарқ мамлакатлари билан тижорат ва дипломатик ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берганлигини таъкидлашади. Чиндан ҳам унинг Шарқ халқлари анъана ва урф-одатларини билиш, тарихин ўрганиш, шу ерлик халқларнинг турмуш шароитларини билиш жуда зарур бўлган.

Петр I нинг топшириғига биноан 1716 йилда Петр Посников томонидан биринчи маротаба Қуръоннинг тўла таржимаси амалга оширилган. Лекин айнан араб тилидан эмас, балки французча нусхадан рус тилига таржима қилинган. Шундай бўлса-да, ушбу таржима Петр I ва жуда кўп рус олимларини қизиқтирган. Петр I ўзининг энг яқин ва ишончли кишиси Дмитрий Кантемирга Қуръон китобининг мазмуни ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида батафсил бир асар ёзиш вазифасини топширган. Кейинчилик Қуръонни араб тилидан бевосита рус тилига таржима қилиш Г. С. Саблуков томонидан амалга оширилган. У бу қутлуғ ишга бутун умрини бағишлайди ва 74 ёшида ушбу нодир асарнинг рус тилидаги таржимасини поёнига етказади.

Умуман Россияда Қуръон таржимаси билан бир неча киши шуғулланган. Бунга П. Посников, М. И. Веревкин, А. В. Колмаков, К. Николаев, Г. С. Саблуков, И. Ю. Крачковский ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

1929 йилда эски ўзбек имлоси ислоҳ қилиниши, лотин графикасига ўтилиши араб алифбосида ёзилган қанчадан-қанча нодир асарларни, шу жумладан Қуръон мазмунини ҳам кейинги авлод, айниқса зиёлилар билишидан бенасиб этди. Манбаларда баён этилишича, араб графикаси ёки алфавити кенг деҳқон оммасини ва шаҳар меҳнаткашларини илм олишга ҳамда маълумотларини оширишга, миллий маданиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келган эмиш. Лекин лотин имлосига ўтишнинг асосий мақсади диндорликни йўқотишнинг чораларидан бири бўлган. Нима учун кейинги йилларда Қуръон китобининг таржимаси ҳақида тез-тез саволлар берилмоқда? Бу, албатта, жамиятимизда содир бўлаётган ошкоралик ва демократия туфайлидир. Кўпчилик зиёли ва ёшу-қарилар ушбу нодир асарнинг мазмунини ўз она тилларида ўқиб билишни истайдилар.

Чиндан ҳам агар Қуръон китоби она тилимизга таржима этилса, ундан кимлар манфаатдор бўладилар? Бундан, биринчидан, минглаб диний эътиқодли, лекин араб тилини билмайдиган мусулмон оға-иниларимиз манфаатдор бўлсалар, иккинчидан, партия ва комсомол органларининг тарғиботчилари ҳамда ташвиқотчилари, тарих, жамиятшунослик муаллимлари, файласуфлар, этнографлар, тарихчи олимлар ва бошқа юзлаб шу масала билан қизиқувчи кишилар манфаатдор бўладилар.

Этнограф, тарихчи, жамиятшунос ва файласуф олимлар билан тарғиботчи ва ташвиқотчилар учун Қуръонни ўз она тилимизда баён этилган таржимаси жуда зарур. Чунки бу китоб ғоят нодир асар. У мусулмон жамоа аъзоларининг ҳаёти, турмуш тарзини, мусулмонлар орасида ахлоқ масалалари қай даражада йўлга қўйилганлиги, мерос ота-онадан қандай йўллар билан фарзандларига тақсим этилиши, эрлар билан аёлларнинг роли ва бошқа бир қанча ривоятлар билан танишиш имкониятини беради. Қуръон китобида диний масалалар билан бирга унда ахлоқий, фалсафий, психологик, педагогик, ҳуқуқшунослик, адабий, халқ оғзаки ижодиётига тегишли жуда кўп масалалар ёритилган. Умуман, Қуръон инсон турмушига боғлиқ барча масалаларни қамраб олган. Бу масалалар олимларимиз томонидан чуқур ўрганилиб чиқилган эмас. Қуръон ислом динига эътиқод қилувчиларнинг энг муқаддас китоби эканлигини яна қуйидаги мисоллардан ҳам билса бўлади. Ислом дини олимлари унинг сура ва оятларидан ташқари ҳатто Қуръоннинг ёзилишида унга жами қанча сўз ва нечта ҳарф ишлатилганлигини ҳам ҳисоблаб чиқишган.

Қуръоннинг яна бир қимматли томони шундаки, у VII асрга тегишли графика, ёзув намуналарини кўрсатувчи асар ҳамдир. Бугина эмас, бу нодир асар VII асрга тегишли араб жамоалари орасида мавжуд бўлган поэзия намуналарини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Шунинг учун бўлса керак, Қуръон китобидан қаттиқ таъсирланган буюк рус шоири А. С. Пушкин ҳам қизиқиб қолиб, 1824 йилда ўзининг «Подражение корану» номли шеърий туркумини ёзган.

Ҳозирги вақтда диндорларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда «Шарқ юлдузи» журнали ушбу бебаҳо асарнинг изоҳлий таржимасини ёрита бошлади. Мана шунинг ўзи ҳам жумҳуриятимиз мусулмонларининг эътиқодига бўлган эътиборидан далолат беради.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Меросимизни ўрганамиз

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Истиқомат жойим Акмал Икромов ноҳиясида Замахшарий номли кўча бор. Бу шахс ким ва қайси асрда яшаган! Умуман шу зот ва у яшаган давр ҳақида тўлароқ маълумот беришларингизни илтимос қиламан.

Салом билан М. АЗИЗОВ,
Тошкент шаҳри, хизматчи.

ЎРТА АСРНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

Дарҳақиқат, узоқ ўтмишда яшаб, ўзларининг ўлмас асарлари билан жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган талайгина Ўрта осиёлик олимлар ҳаёти ва ижоди ҳозирча ғоятда кам ўрганилган, шу боисдан ҳам улар кенг китобхонлар оммасига яхши таниш эмас. Мана шундай улуғ сиймолардан бири хоразмлик буюк олим аз-Замахшарийдир.

Тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий бўлиб, 467 ҳижрий сана ражаб ойининг 27-куни (янги ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартида) Хоразмнинг Замахшар номли катта бир қишлоғида туғилган. Шунга кўра эски удум бўйича аз-Замахшарий тахаллусини олган. Аввал ўз юрти Хоразмда, ундан кейин Бухорода таҳсил кўрган. Кўпгина хорижий элларга, жумладан Марв, Нишопур, Дамашқ, Боғдод, Макка ва Ҳижозга сафар қилган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фиқҳ илмларида элликдан ортиқ йирик асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. аз-Замахшарий 1144 йилда Хоразмда вафот этган.

Хоразмлик буюк алломанинг номи Шарқу Ғарбда ҳам кенг танилган. Айниқса, араб олимлари томонидан унинг асарлари зўр қизиқиш билан ўрганилган ва ҳануз ўрганилаётир. Унинг серқирра ижодига бағишланган турли китоблар, тадқиқотларнинг кетма-кет нашр қилиниши фикримизнинг далилидир. Мана шу зайлдаги тадқиқотлардан бири ҳақида батафсил фикр юритиш, маълум маънода ҳурматли муштарийимиз илтимосини қондиришга хизмат қилади, деб ўйлайман. У фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг «Ал Араб ал арабий фи иқлим Хваразм» («Хоразм ўлкасида араб адабиёти») илмий тадқиқотидир. Мен бу китобни Боғдоддаги китоб дўконларидан бирида кўриб қолиб, сотиб олган эдим (муаллиф 1975-1978 йилларда Ироқ жумҳуриятида Совет Иттифоқи ёрдами билан бунёд қилинган Тартар — Дажла, Тартар — Фрот каналлари қурилишида араб тили таржимони сифатида қатнашган эди — редакция). Мана шу тадқиқотда араб ва форс тилларида ёзилган хилма хил ва кўп сонли манбаларга асосланиб, ўрта асрларда Хоразмда яшаб ижод қилган кўплаб арабийнавис олимлар, шоир ва адиблар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Айниқса, бундан тўққиз аср муқаддам яшаган буюк ватандошимиз аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кўплаб маълумотлар менда катта қизиқиш уйғотди.

Ўйлайманки, у сиз азиз муштарийларда ҳам қониқиш ҳиссини ҳосил қилади.

* * *

Тадқиқотчи ушбу мавзуни атрофлича ёритишда араб ва форс тилларида ўрта асрларда ёзилган кўплаб ёзма манбаларга таянганлигини алоҳида қайд қилиш керак. Тадқиқот, кириш қисмидан бошлаб Хоразм номининг келиб чиқиши, унинг ўтмиши, жуғрофий мавқеи, тарихий ўрни, бу ўлка жойлашган чегара каби маълумотлар бир-бирига қиёсланган ҳолда манбалар асосида ёзилган. Хоразм ҳақида олима келтирган турли-туман тарихий, жуғрофий ва этник маълумотлар Ибн Фазлон, Ибн Хавқал, ал-Истахрий, ал-Қазвиний, ал-Муқаддасий, Ибн ал-Асир, Ёқут ал-Ҳамавий, Абу-л-Фатҳ, ал-Журжоний, Абу-л-Фида, Абу Ҳамид ал-Ғарнотий, Ибн Боттута, ал-Қалқашандий каби кўплаб араб сайёҳ ва тарихчи олимларининг асарларига асосланган. Агар ушбу муаллифлардан айримлари (масалан, ал-Муқаддасий, Абу Ҳамид ал-Ғарнотий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Боттута) Хоразмда бўлганлиги ва улар ўзлари кўриб мушоҳада этганлари асосида ёзганлари эътиборга олинса, Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг тадқиқоти ишончли манбаларга таяниб ёзилганлиги яна бир карра исботланади.

Маълумки, мазкур даврда Хоразм ҳар томонлама обод ва кўркам бўлган кўплаб шаҳар ва қишлоқлардан иборат ривожланган бир ўлка бўлган. Шу фикримизга далил тариқасида Ҳинд Ҳусайн Тоҳо ҳам ўз асарида келтирган икки араб муаллифининг Хоразм ҳақида ёзганларидан қисқача парча келтиришни лозим топдик. Улардан бири дунёнинг кўп мамлакатлари каби Хоразмни ҳам зиёрат қилиб, у ҳақда кўп маълумотлар қолдирган машҳур араб сайёҳи ва қомусий олими Ёқут ал-Ҳамавий (1179—1229) ўзининг «Мўъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») деган йирик асарида «назаримда дунёнинг ҳеч бир элида Хоразм ерларидан кенгроқ ва аҳолиси гавжум бирор жой бўлмаса керак... Хоразмнинг аксар қишлоқлари — бозорлар, ҳаётий (маиший) озиқ-овқат ва анжомларга эга дўконлари бўлган шаҳарнинг ўзгинасидир», — деб ёзган бўлса, ундан юз йил чамаси кейин яшаган араб космограф олими Шамсиддин Муҳаммад ибн Абу Толиб ад-Димашқий (1256—1327) «Нуҳбат ад-даҳр фи ажоиб ал-барр ва-л-баҳр» («Ер ва сув ажойиботлари ҳақида ўз даврининг сараси») деган асарида «Хоразм ўлкаси олтмиш минг қишлоқни ўз ичига олади», деб ёзишидан чиндан ҳам Хоразм ўрта асрларда катта бир ўлка бўлганлиги намоён бўлади.

Ҳинд Ҳусайн Тоҳо тадқиқотида Хоразмнинг Хивак (Хива), Гурганча (ҳозирги Урганч), Кот, Дарғон, Хазорасп, Барқон, Замахшар каби кўплаб шаҳар ва қишлоқларига доир, энг муҳими бу жойлардан етишиб чиққан бир қанча етук олимлар, шоирлар, адиблар, фақиҳлар, муҳандислар, қорилар ҳақида ҳам кўплаб фактик маълумотлар келтирилган, илм-фанда яхши маълум бўлмаган бу сиймолар ижоди ва фаолиятини ўрганишда бу маълумотлар катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Хоразм аҳлининг табиати, хулқ-атвори, одоби, уларнинг ғоятда меҳмоннавозлиги, гапга чечанлиги, қизғин баҳс ва мунозаралар билан фикр-мулоҳаза юритиши, ғарибу мусофирларга нисбатан ғамхўрлиги ҳақида кўп маълумотлар бор. Дарҳақиқат, Хоразмда бўлган машҳур араб сайёҳи Ибн Боттута (1303—1378) ўзининг «Риҳла» («Саёҳатнома») номли асарида «дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразм элидан ахлоқи яхшироқ, олижаноброқ ва мусофирпарварроқ элни кўрмадим», — деб ёзган.

Ҳинд Ҳусайн Тоҳо тадқиқотида Хоразмнинг оғир иқлими — қишда қаҳратон совуқ, ёзда жазирама иссиқ бўлиши ҳақида, бу ўлкада етиштирилган зироат экинлари, мева-чевалар, ҳазилма бойликлари, чет ўлкалар билан савдо-сотиқ масалаларига доир хилма-хил кўплаб иқтисодий ва ижтимоий характердаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Мазкур тадқиқотда Хоразмда ҳукм юритган қатор сулолалар, айниқса Хоразмшоҳлар салтанати ҳақида кўп мулоҳазалар юритилган. Дарҳақиқат, Хоразмшоҳлар ҳукмдорлиги даврида Хоразмда иқтисодий юксалиш билан бир қаторда илм-фан ва адабиёт ҳам ғоятда тараққий қилган эди. Бунга ҳукмдорларнинг илм-фан аҳлига катта эътибор бериб, уларга ҳомийлик кўрсатганликлари ҳам ижобий роль ўйнаган эди. Улардан баъзилари, масалан, Хоразмшоҳ Алоуддин Текишнинг (у 1172—1200 йилларда салтанат юритган) ўзи ҳам яхшигина адиб бўлиб, араб ва форс тилларида ижод қилган, Хоразмда ал-Ханафия мазҳаби тарзида мусофир мадраса қурдирган. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, бу даврда нафақат ҳукмдорлар, балки кўпгина бадавлат кишилар ҳам илм-маърифат тарқатиш йўлида жонбозлик кўрсатганлари ҳақида манбаларда талай маълумотлар бор. Ҳинд Ҳусайн Тоҳо ҳам ўз тадқиқотида Хоразмшоҳлар даврида илм-фан ва адабиёт тараққий қилганлигини, илм толиблари, шу жумладан камбағал фуқароларни билимли ва маърифатли қилиш мақсадида улар ўз давлатларининг турли томонларида кўплаб мадрасалар, жомелар, кутубхона (дор ул кутуб)лар курганлиги, ҳатто баъзи мадрасалар илм билан шуғулланувчиларни муайян маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлаганлиги ҳақида ёзади.

Хоразмда илм-фан ва маданиятнинг ривожида, шубҳасиз, хорижий эллардан келган ва бу ерда ижод қилган олимлар, шоир ва адибларнинг хизмати катта бўлган. Шу хусусда олима Хоразмда баракали ижод қилганлардан асли балхлик машҳур шоир, адиб ва котиб Рашидуддин ал-Ватвот, хуросонлик ал-Кулсумий, Шомдан келган Шарафиддин Муҳаммад ибн Наср ибн Анийн, Наса шаҳридан Муҳаммад ан-Насавий, жандлик Ёқуб ибн ал Жандий ва бошқаларни зикр қилган. Булардан кўпларининг ижодларидан намуналар келтириб, улар ижодида араб классик адабиётига хос мадҳия, фахр, ғазал, ҳанийн (ватанни қўмсаш), ҳажв, шикоят каби жанрлар ўз ифодасини топганлиги, улар ўртасидаги боғлиқликни ҳар томонлама таҳлил қилади. Хоразмда яшаб, асосан, араб тилида ижод қилган мазкур муаллифлар ижодини умумлаштирган тарзда хулосалар чиқаради.

Ўша даврда Хоразмда яшаб, ижод қилган бир қатор арабийнавис олимлар, шоир ва адиблар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус боблар Ҳинд Ҳусайн Тоҳо тадқиқотининг асосий қисмини ташкил қилади, десак бўлади. Шулар жумласидан Абу Бакр ал-Хоразмий (935—993), Абул-Қосим аз-Замахшарий (1075—1144), ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн (1160—1223), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим ар-Раққоший (туғилган ва вафот этган йиллари ҳозирча аниқ эмас), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид ва бошқаларни, аввал зикр қилганимиз, асли балхлик бўлса ҳам Хоразмга келиб, бу ерда умрининг охиригача ўттиз йил чамаси яшаб, ижод қилган шоир ва адиб Рашидуддин ал-Ватвот (1088—1175 ёки 1182 йилда вафот этган) ҳаёти ва фолиятини батафсил ёритган.

Тадқиқотчи кўпгина араб манбаларига таяниб, мазкур муаллифлар ҳаёти ва ижодини тўлиқ ёритишга интилган. Жумладан, машҳур шоир ва адиб Абу Бакр ал-Хоразмий (935—993) нинг ҳаёти ва ижодини ас-Саолибий, Ибн Халликон, ан-Насавий каби тарихчиларнинг маълумотлари асосида тикланган. Ал-Хоразмийнинг ар-Расоил («Мактублар») девонидан ўрин олган назмий ва насрий асарларидан парчалар келтирган.

Ҳинд Ҳусайн тадқиқотида Рашидуддин ал-Ватвот, ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн, Абу Муҳаммад ар-Раққоший, Абу Абдуллоҳ ибн Ҳомид каби ўрта асрларда Хоразмда яшаб ижод қилган адиб ва шоирлар ҳақида муфассал маълумотлар келтирилади. Уларнинг ижодларидан кўплаб намуналар келтирилиб, атрофлича таҳлил қилинади, уларнинг бадиий қимматига тегишли баҳо берилади. Мазкур муаллифлар ҳақидаги кўпгина маълумотлар ишончли ёзма манбалар асосида ёзилганлиги учун ҳам улар илм-фан учун ғоятда қимматлидир. Ушбу маълумотлар ўзига хослиги билан ажралиб туради ва мазкур муаллифларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишда шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эгадир.

ШУЛАР БИЛАН бир қаторда Ҳинд Ҳусайн Тоҳо тадқиқотидаги салмоқли ўринни хоразмлик машҳур тилшунос ва луғатшунос олим, шоир ва адиб Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийга (1075—1144) бағишланган саҳифалар эгаллайди. Хоразм заминида туғилиб ўсган бу қомусий аллома чиндан ҳам араб дунёсида Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири сифатида кенг танилган. Араб тили ва адабиёти, нотиқлик санъати, шеърият, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид элликдан ортиқ асарлар яратган буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва ижоди, унинг бой илмий ва адабий мероси араб олимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда ва тадқиқ қилинмоқда. Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг тадқиқоти ҳам ушбу фикримизга бир далилдир. Олима ўрта аср араб манбаларига таяниб, аз-Замахшарийнинг ҳаёти ҳақидаги турли маълумотларни келтиради, тадқиқотини ёзиш жараёнида унинг асарларидан ҳам кенг кўламда фойдаланади. Дарҳақиқат, ўз билим тафаккурининг чуқурлиги ва ноёб истеъдодининг кенг қамровлиги туфайли йирик ва муҳим асарлар яратган аз-Замахшарий ўз даврида «устоз ул-араб ва ва-л-ажам» («араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хваразм» («Хоразм фахри»), Маккада узоқ вақт яшаганлиги учун Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») каби шарафли номларга сазовор бўлган эди. Ҳинд Ҳусайн Тоҳо таъкидлаганидек, у ўз юрти Хоразмда бўлса ҳам ёки ўзи зиёрат қилган Шарқнинг кўплаб шаҳарларида ҳам доимо машҳур олимлар, шоир ва адиблар даврасида бўлар, улар билан қизғин илмий баҳслар, мунозараларда иштирок қилларди, илм аҳллари унинг фикрига қулоқ солардилар. Мана шу улкан обрў-эътибор ва буюк даҳо эҳтимол унга ўз асарларидан бирида «ва инний фи Хваразм Каабат ул адаб» «ростдан ҳам мен Хоразмда адиблар учун (бир) Каабаман» деб ёзишга асос бўлган бўлса керак.

Ҳақиқатан ҳам аз-Замахшарий бизга жуда бой илмий ва адабий мерос қолдирган. Чунончи, у ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини илм-фанга, турли соҳаларга оид асарлар таълиф қилишга бағишлаган. Хоразм ўлкасида ва Шарқнинг турли шаҳарларидаги кўпдан-кўп шогирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларга кўп вақтини сарфлаган. Ўз даврининг машҳур олимлари билан яқин муносабатда бўлиб, улар билан муттасил равишда хат орқали боғланиб турган. Илмий асарлар яратиш ва етук шогирдлар етиштиришни ҳамма нарсадан, ҳатто фарзанд кўришдан ҳам юқори қўйган.

Аз-Замахшарий ғоятда тақводор киши бўлиб, доимо инсонларни ўз ҳирси ва нафсониятини тийишга чорлаган. Манбаларда келтирилишича, шу важданми ёхуд илм-фанга ўзини бутунлай бағишлаганлиги сабаблими ёки жисмоний қусурлигиданми (унинг бир оёғи чўлоқ бўлиб, ёғоч оёқда юрган), у ўз ҳаётида бирор марта ҳам уйланмаган ва бошқаларни ҳам уйланмасликка даъват қилган. У уйланмасликни энг юксак баркамоллик деб ҳисоблар ва бу хусусда ўзининг «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар») асарида «аёл кишига унинг ҳусни-жамоли учун эмас, балки унинг покиза иффати важидан уйланиш керак. Чунончи покиза иффат билан чирой жаъм бўлгандагина ҳақиқий баркамоллик ҳосил бўлади. Баркамолликнинг бундан ҳам юксак чўққиси — агар эркак бир аср умр кўрса ҳам, уйланишдан ўзини тия олишликдир», — деб ёзган эди. Илм-фан йўлида ўзини фидо (бахшида) қилишликни аз-Замахшарий ҳар қандай ҳирсиятдан ғоятда юқори қўяди. Шу боисдан ҳам у «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар») номли бошқа бир асарида «Котиб хати билан қоғозни қоралаш (яъни ёзиш) соҳибжамолнинг ёноғини (бўса билан) қизартиришдан кўра ҳам ёқимли», деб илм-фанга бўлган ўз муносабатини алоҳида таъкидлайди.

Ҳинд Ҳусайн Тоҳо ўзининг бу асарида аз-Замахшарий асарлари ҳақида, айниқса олимнинг Қуръон тафсирига бағишланган «ал-Кашшоф» ва шунингдек «ал Муфассал», «Муқаддамат ул-адаб», «Асос ул-балоға» ва бошқа асарлари ҳақида ҳам кўп фикрлар билдирган, унинг назмий ва насрий асарларидан кўплаб намуналар келтирган, ушбу асарларнинг ўрганилиш тарихи, қўлёзма ва нашрлари ҳақида бир талай маълумотларни илмий тарзда шарҳлаган. Ҳеч шубҳа йўқки, Ҳинд Ҳусайн Тоҳонинг аз-Замахшарий ҳақидаги фикр-мулоҳазалари буюк ватандошимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Убайдулла УВАТОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни шарқ факультетининг доценти, филология фанлари номзоди.

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг Тоиф шаҳрида Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши (ФКАДҲК)га аъзо мамлакатларнинг молия-иқтисодий ҳамкорлик комитетининг 25-сессияси ўз ишини бошлади, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Кенгашга аъзо олти мамлакатнинг молия ва иқтисодиёт министрлари бошқа регионал иқтисодий ташкилотлар, аввало Европа иқтисодий ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек ФКАДҲК доирасида ягона божхона сиёсати масалаларини ҳам кўриб чиқадилар. Бахрайн, Катар, Қувайт, Бирлашган Араб амирликлари, Уммон ва Саудия Арабистони ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлишган.

* * *

ЯҚИН ШАРҚДАГИ можаронинг бошбошдоқлиги регионда зўравонлик хавфли авж олишига сабаб бўлмоқда, деб таъкидлади Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамжиҳатлик ишлари вазири Дуглас Хэрд. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, у Саудия Арабистонига қилган ташрифи сўнггида журналистлар билан суҳбатлашиб, Исроилни фаластинликлар билан бевосита музокаралар бошлашга даъват этди. Хэрд ўзининг тўрт банддан иборат тартибга солиш режасини баён этди. Унда АҚШнинг тинч жараёндаги ролини фаоллаштириш, унга халқаро тус бериш, террорчилик усулларидан воз кечилгани хусусида Фотнинг расмий тасдиғи, Исроил ҳукумати билан фаластинликлар ўртасида музокаралар бошлаш кўзда тутилган.

ЛОНДОН. Исроил ҳукуматининг «Ликуд» блокидан бўлган аъзолари шу ҳафта охирига бориб, ўта ўнг партиялар билан «тор» даражада уюшиш асосида мамлакатнинг янги ҳукуматини тузиш ниятида эканликларини эълон қилдилар, деб хабар берди Рейтер агентлиги. Бу ҳақдаги қарор Исроилнинг собиқ савдо ва саноат вазири, «Ликуд»нинг ўта ўнг вакили Ариел Шарон агар ҳозир бош вазир вазифасини бажариб турган Ицхак Шамир ўз кабинетини туза олмаса, бу ишни ўзи амалга оширишини айтиб, пўписа қилганидан кейин кўп ўтмай, вазирларнинг якшанба кунги мажлисида қабул қилинганига кузатувчилар эътиборини қаратишмоқда.

«Ликуд» билан шу йил 15 мартида тарқалиб кетган Исроил меҳнат партияси ўртасида қайтадан иттифоқ тузилишини кўпчилик шарҳловчилар эҳтимолдан узоқ деб ҳисоблашмоқда. Чунки «Ликуд» Қоҳирада Фаластин делегацияси билан музокара олиб боришдан бош тортган эди. Меҳнат партиясининг таниқли арбоби, собиқ мудофаа вазири Ицхак Рабиннинг фикрича, шундай музокаралар олиб бориш хусусида «Ликуд»нинг розилигини олмай туриб «у билан коалицион ҳукумат тузиш тўғрисида ҳатто маслаҳатлашувлар бошлашдан ҳам ҳеч бир маъно чиқмайди». Шамирга ҳукумат тузиш учун берилган муддат пайшанба куни тугайди.

ҚОҲИРА. Миср президенти Ҳусни Муборак Мисрдан қандайдир диний партия ҳар қандай баҳона билан пайдо бўлиши мумкинлигига мутлақо қўшилмаслигини айтди. У Миср рўзномачилари ҳузурида нутқ сўзлаб, буни миллат бирлигини ва конституцияни сақлаб қолиш муддаоси билан изоҳлади. Ижтимоий барқарорликка ёки миллий бирликка зарба беришга ҳар қандай уриниш эътибордан четда қолмайди, деди президент.

БАЙРУТ. Ливан пойтахтининг христианлар яшайдиган шарқий қисмида қуролли муҳолифликнинг янги хуружи юз берди. Бу ерда олдин эълон қилинган яраш узоққа чўзилмади. Генерал Аунинг армия гуруҳлари ва «Ливан кучлари» ташкилотининг отрядлари Метн ва Кесруан даҳалари чегарасида, шунингдек шарқий Байрутнинг марказий қисмида ўт очишни тўхтатишга доир битимни туздилар.

БАҒДОД. Фаластин Озодлик ташкилоти ижрокомининг раиси Ясир Арафат Тель-Авив яқинида Исроил соҳилига муваффақиятсизлик билан тугаган қуролли десант туширишга Фаластин Озодлик ташкилоти даҳлдор эмаслигини айтди.

Я. Арафат бу ерда рўзномачилар билан суҳбатда гапириб, Фаластин Озодлик ташкилоти бу ҳарбий тадбирга ҳеч қандай алоқадор эмаслигини ва бу тадбир учун жавобгар бўлмаслигини таъкидлади. У Фаластин Озодлик ташкилоти террор усулларидан воз кечганлигини тасдиқлаб, ташкилотнинг бу масалага доир сиёсати ўзгармаганлигини айтди.

Фаластин раҳбари Исроилни Араб — Исроил можаросини тўхтатишга доир барча куч-ғайратларни барбод қилишда айблаб, бош министр Шамирнинг фаластинликларга нисбатан ўтказаётган сиёсати регионадаги кескинликнинг сабаби эканлигини таъкидлади. Исроилнинг фаластинликларга зўравонлик қилиши беқарорликни ва жавоб ҳуружларини келтириб чиқаради деб, мен ҳамиша огоҳлантирганман, деди у.

ҚОБУЛ. Афғонистон Жумҳуриятининг тегишли идоралари қўлида Покистон фуқароларининг Афғонистонга қарши қўпорувчилик фаолиятида бевосита иштирок этаётганлигини кўрсатувчи далиллар бор. Маълум бўлишича, яқинда Нанграҳор вилоятида жанг вақтида Покистон армиясининг офицерлари Абдулраҳмон Чаудари ва Худойдод ўлдирилган.

Армия қисмлари ва оппозиция отрядлари ўтган уч кун давомида Нанграҳор ва Қандаҳор вилоятларида бир-бирларининг позицияларини ўққа тутиб, маҳаллий аҳамиятга молик жангларни давом эттирдилар. Ҳукумат қўшинлари юз нафардан ортиқ исёнчини, ўқ-дори ортилган 4 та машинани, 2 та танкни, реактив снарядлар отадиган 8 та қурилмани яксон қилди.

Қуролли оппозиция кучлари қуршаб олинган Хост шаҳри теварагида жангариларнинг янги-янги гуруҳларини тўпламоқдалар. Покистондан келган карвонларда уларга қурол-яроғ ва ўқ дори келтирилмоқда. Хост ракеталар билан мунтазам ўққа тутилмоқда, бунинг натижасида тинч фуқаролар ҳалок бўлмоқда.

ДЕҲЛИ. Сринагар шаҳри кўчалари ва майдонларига 300 мингга яқин одам чиқди. Улар Жамму ва Кашмир штатидаги ақидапараст тўдаларнинг даъватига мувофиқ ўтган ойда номаълум шахслар томонидан ўлдирилган мусулмон дини арбоби Муҳаммад Фориқ хотирасига бағишланган маросимда иштирок этдилар. «Биз Кашмир озодлиги учун курашни давом эттираверамиз. Бизнинг мақсадимиз уни Ҳиндистондан ажратиб, ўз мусулмон давлатимизни тузишдир», — деди «Жамму ва Кашмирни озод қилиш жабҳаси» ашаддийлари тўдасининг бошлиқларидан бири тўпланганларга мурожаат қилиб. Нотиқнинг сўнгги сўзларини автомат қуролдан отилган ўқлар овози босиб кетди. Экстремист ташкилотларнинг намойишчилар сафларидаги жангарилари осмонга қарата бетартиб ўқ уза бошладилар, улар Ҳиндистонга қарши шиорларни бараварига такрорлар эдилар...

Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, маросимда БМТнинг Кашмирдаги аҳволни кузатиб турган махсус гуруҳи аъзоларининг шу ерда ҳозир бўлганлигигина бу йиғин намойишчиларнинг полиция билан қуролли тўқнашуви, зўравонлик ва ваҳшийлик ҳаракатлари билан тугашига йўл қўймади. Шунга қарамай, мусулмон тўдалари бошлиқларининг гаплари Кашмир водийсидаги аҳволни тағин ҳам чигаллаштирди.



Салбий ҳолатларнинг ўсиб бориши кузатилаётганлигига фуқароларнинг эътиборини қаратишга қарор берган ГДЖ пойтахти ва Ғарбий Берлиндан бўлган турли ёшлар вакиллари гуруҳлари Берлин марказида «Нацистларга имкон берманг» шиори остида (суратда) фашизмга қарши тадбир ўтказишди.

Жумҳуриятда жамият турмушини демократиялаш жараёнининг тескари жиҳати сифатида ўнг ўта ва экстремистик элементлар фаоллашиб қолди. Масалан, маълумки, безори олчоқларнинг бу ерда амалга ошираётган турли хил бебошлик ҳаракатлари кўпинча фашистик характерни ифодаламоқда.

АДН—ТАСС сурати.

УЧРАШУВ

ВАШИНГТОН. Президент Ж. Буш конгрессда жумҳуриятлар ва демократлар раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, уларни олий даражадаги Совет-Америка учрашуви натижаларидан хабардор қилди. «У бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизнинг умумий характерига алоҳида эътибор берди, олий даражадаги учрашувни ўз мамлакати учун тарихий истиқбол нуқтаи назаридан кўриб чиқишга уринди. Бу мамлакат Чехословакия ва Польшага, Румыния ва Венгрияга демократиянинг кириб келишига ёрдам берди, шарқий Германия тўғрисида ва Берлин деворининг қулаши ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади», — деб хабар қилди Оқ уйнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер.

«Президент, — деб давом этди у, — мамлакатда иқтисодий ва демократик ислоҳотлар ўтказаётган Совет Иттифоқини таърифлаб берди ва биз уларнинг шу йўлни давом эттиришларига ёрдам беришдан кўп жиҳатдан манфаатдор эканлигимизни айтди».

(ТАСС).

САФАР ҚОЛДИРИЛДИ

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг этник ғалаёнлар ичида қолган Синд вилоятида бедодлик ва зўравонлик тўхтовсиз давом этаётганлиги Бош вазир Беназир Бхуттони Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини қолдиришга, ҳукуматни эса Карочи ва унинг атрофидаги шаҳарларга қўшин киритиш тўғрисида фармойиш беришга мажбур қилди. Б. Бхутто «ички ва ташқи душман ёллаган кафандўзликни касб қилиб олган шахсларга қарши ялпи уруш» бошланганлигини эълон қилди. Террорчиларга шафқат қилинмайди, — деб таъкидлади у. Юз берган вазият билан шахсан шуғулланаётган Бош вазир кескинликни юмшатиш йўлларини Покистон халқ партиясидан сайланган парламент аъзолари билан биргаликда муҳокама қилди.

Карочига киритилган армия нарядлари ва полиция асосий йўлларни, давлат муассасалари ва банкларини қўриқлаб турибди. Покистондаги ана шу энг катта шаҳарнинг яна бир неча ноҳиясида комендантлик соати амал қила бошлади, бу ерда туб аҳоли билан 40 йилдан буён шу ерда яшаётган Ҳиндистондан кўчиб келган кишилар ўртасида экстремистлар келтириб чиқарган тўқнашув икки ҳафтадан буён одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўляпти. Кеча террорчилар пассажир автобусини ўққа тутиб, 15 кишини ўлдирдилар ва 35 кишини ярадор қилдилар. Сўнгги бир куннинг ўзида 30 киши ҳалок бўлди. Шаҳарда магазинлар ва муассасалар ишламаяпти, кўчалар ҳувиллаб қолди, чунки одамлар уйдан чиқишга чўчимоқдалар.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОКЕАН ЕНГИЛТАКЛАРНИ ЁҚТИРМАЙДИ

● КАНАДАда истиқомат қилувчи Артур Рассел ўзи ясаган эшкакли қайиқда Атлантика океанини ёлғиз сузиб ўтишга аҳд қилди. Артур икки йил мобайнида ўз уйи хоналаридан бирида ўрнатилган эшкакли тренажерда роса машқ қилди. Лекин, океанни кесиб ўтишнинг ўзи бўладими? Галифакс шаҳрида қайиққа ўтириб, олти соат сузганидан кейин Рассел [illegible] вур ҳам қилолмасди. Югура бошлашдан олдин югуришни ўрганиб олиш керак, деган ҳикматли гап бор. Шуниси қизиқки, канадалик бу йигит денгизда атиги бир марта бўлган, шунда ҳам соҳил бўйидаги паромда айланганди.

«МАСЛАҲАТЧИ» СОАТ

● ИНСОН вақтни кашф этди, «Сэйко» соати уни такомиллаштирди — Япониядаги жаҳонга машҳур соатсозлик фирмасининг маҳаллий рўзномаларда мунтазам пайдо бўлиб турувчи рекламаларида шундай сўзлар бор. «Торэй» компанияси ёзги мавсумни ғаройиб қўл соатлари ишлаб чиқариш билан бошлади. Уларда вақтни кўрсатадиган миллардан ташқари қуёшдан таралаётган ультрабинафша нурларнинг кучини ўлчайдиган асбоб бор, ўзига хос соат сигнали эса эгасини қуёшда етарлича тобланганидан, мабодо соатнинг «маслаҳатига» қулоқ солмаса, териси куйиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Бу антиқа соатнинг нархи — 12.000 иен (тахминан 80 доллар)дир. Лекин, бундай соат эгаси ортиқча тобланиш туфайли куйган терини даволаш учун дори-дармонлар сотиб олишга пул сарфламаслигини ҳисобга олсак, унчалик қиммат эмас.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

1990—1991-ўқув йили учун

ОЛИЙ МЕДИЦИНА (фармацевтика) ВА ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

Қабул эълон қилади

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй, телефон 67-63-05).

Даволовчи шифокорлар, стоматологлар, санитар шифокорларни тайёрлайди.

М. И. КАЛИНИН НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

(Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 136-уй, телефон 5-26-92).

Даволовчи шифокорлар, педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

(Самарқанд шаҳри, Житомир кўчаси, 6-уй, телефон 3-07-66).

Даволовчи шифокорлар, педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА-ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, телефон — 62-53-50).

Педиатрлар (болалар шифокорлари)ни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА (ДОРИШУНОСЛИК) ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй, телефон 56-37-38).

Дори тайёрловчиларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати даволаш, педиатрия ва санитария — гигиена факультетларида 6 йил, стоматология факультетида ва фармацевтика институтида — 5 йил.

Аризалар 25 июндан 15 июлга қадар қабул қилинади. Олий ўқув юртига кирувчилар танлаган факультети кўрсатиб ректор номига ариза, ёзадилар. Аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 086/У намунасидаги тиббий шаҳодатнома, иш стажига эга бўлганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма, характеристика, 3x4 см. ҳажмидаги 6 та фотосуратни қўшиб топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар учта имтиҳон топширадилар: кимё, биология, ўзбек (рус) тили ва адабиётидан иншо. Иқтисодга оид фан — кимё.

Қишлоқ жойларида доимий яшовчи абитуриентлар вилоят лимити бўйича ўқишга кирмоқчи бўлсалар, олий ўқув юртининг қабул комиссиясига вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидан йўлланма олиб келишлари лозим.

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Варноул кўчаси, 9-уй, телефон 48-07-91).

Тиббий ҳамширалар, фармацевтлар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ЖУМҲУРИЯТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Нуркон кўчаси, 16-уй, телефон 77-55-35).

Тиш техниклари, тиббий оптика, тиббиёт асбобларини тузатувчи ва созловчи техниклар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Ремесленная кўчаси, 8-уй, телефон 33-41-75).

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 2-МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Озод кўчаси, Культураторний тор кўчаси, 16-уй, телефон 44-32-25).

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТошМИ КЛИНИКАЛАРИНИНГ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона, телефон 46-24-35).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИНИНГ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, телефон 46-24-35).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЧИРЧИҚ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 7-уй, телефон 5-10-05).

Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЯНГИЙЎЛ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Ниёзбоши кўчаси, 39-уй, телефон 5-51-06).

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

БЕКОБОД МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Николаев кўчаси, 18-уй, телефон 40-00).

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

АНГРЕН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Пушкин кўчаси, 6-уй, телефон 3-47-71).

Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ГУЛИСТОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй, телефон 2-32-06).

Акушеркалар, фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ЖИЗЗАХ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ленин кўчаси, 216-уй, телефон 3-47-57).

Фельдшерлар, акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ҚЎҚОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Горький кўчаси, 41-уй, телефон 2-24-93).

Фельдшерлар, акушеркалар, тиббий ҳамширалар, фельдшер-лаборантларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.



МАРҒИЛОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Қизил аскар кўчаси, 16-уй, телефон 3-34-18).

Фармацевтлар, акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ФАРҒОНА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона шаҳри, К. Маркс кўчаси, 35-уй, телефон 4-57-10).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

И. Г. ЗИЕЕВ НОМИДАГИ АНДИЖОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси шаҳри, 30-уй, телефон 5-84-80).

Акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Э. И. ОТАХОНОВ НОМИДАГИ НАМАНГАН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган шаҳри, Совет кўчаси, 20-уй, телефон 6-26-10).

Фельдшерлар, акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

В. ИВАНОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна даҳаси, телефон 2-77-53).

Фельдшерлар, тиббий ҳамширалар, акушеркаларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

КАТТАҚЎРҒОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 91-уй, телефон 5-25-30).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

БУХОРО МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро шаҳри, Киров кўчаси, 50-уй, телефон 4-40-49).

Тиббий ҳамширалар, акушеркалар, санитар фельдшерлар, фельдшер-лаборантларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Н. И. ПИРОГОВ НОМИДАГИ ҚАРШИ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 54-уй, телефон 4-36-48).

Фельдшерлар, акушеркалар, санитар фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ШАҲРИСАБЗ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Гагарин кўчаси, телефон 3-43-58).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ТЕРМИЗ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, Комсомол тор кўчаси, 64-уй, телефон 2-58-15).

Фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ХИВА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Мир кўчаси, 2-уй, телефон 5-30-76).

Акушеркалар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

НУКУС МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(ҚҚАССР, Нукус шаҳри, Калинин кўчаси, 112-уй, телефон 2-25-65).

Фельдшерлар, акушеркалар, санитар фельдшерлар, тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ТЎРТКЎЛ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(ҚҚАССР, Тўрткўл шаҳри, Тўрткўл узун кўчаси, телефон — 2-24-07).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ШЕРОБОД МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри, Стенная кўчаси, 6-уй, телефон 2-17-41).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ҒИЖДУВОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро вилояти, Ғиждувон кўчаси, телефон 2-35-25).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

НАВОИЙ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Навоий шаҳри, Южная кўчаси, телефон 3-07-40).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Даҳбет кўчаси, 31-уй, телефон 5-45-04).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЛЕНИНСК МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон вилояти, Ленинск шаҳри, Киров кўчаси, 11-уй, телефон 2-36-84).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

КОСОНСОЙ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Гулистон кўчаси, 2-уй, телефон 2-17-82).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ДЎСТЛИК МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри, Мичурин кўчаси, 13-уй, телефон 5-53-16).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЧОРТОҚ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Янгиқўрғон кўчаси, 33-уй, телефон 2-22-50).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЧУСТ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган вилояти, Чуст шаҳри, 10-беш йиллик кўчаси, 39-уй, телефон 3-26-62).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ЯНГИЕР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Лойиҳачилар кўчаси, 1-уй, телефон 3-25-33).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ДЕНОВ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Чуйков кўчаси, 18-уй, телефон 9-45-34).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

УРГАНЧ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 25-уй, телефон 6-96-16).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Кечки бўлим «Ҳамширалик иши» ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

ХЎЖАОБОД МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳри, медицина билим юрти, телефон 1-11-50).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

ҒАЛЛАОРОЛ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

(Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Ленин кўчаси, 22-уй, телефон 2-25-69).

Тиббий ҳамшираларни тайёрлайди.

Ўзбекистон жумҳуриятидаги барча медицина билим юртларида таълим 10-синф ҳажмидаги ўрта мактаб дастури асосида олиб борилади.

Таълимнинг кундузги шаклига 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар, кечки бўлимга эса ёшидан қатъи назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг (асли), турар жойидан соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган 086/У намунасидаги тиббий шаҳодатнома, амалий иш стажига эга бўлганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма. (У кадрлар бўлими ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Кечки бўлимга кирувчилар учун бу кўчирма, албатта, зарур), 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва ҳарбий хизматга муносабатига оид ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ўрта медицина ўқув юртларига кирувчилар она (рус) тили ва адабиётидан ёзма; бундан ташқари «акушерлик», «даволаш», «ҳамширалик иши» ихтисослигига кирувчилар биологиядан (оғзаки) иккинчи кириш имтиҳонини топширадилар. «Лаборатория диагностикаси, санитария, гигиена, эпидемиология, фармация» ихтисослигига кирувчилар кимёдан (ёзма) иккинчи кириш имтиҳонини топширадилар. Жумҳурият электротехника медицина техникумида «тиббий оптика, тиббий техникани монтаж қилиш ва тузатиш» бўлимларига кирувчилар учун математикадан (оғзаки) иккинчи кириш имтиҳони белгиланган. Тиш техниклиги бўлимида ихтисос бўйича қўшимча имтиҳон ўтказилади, кимёдан (ёзма) иккинчи имтиҳон белгиланган.

Медицина билим юртлари вилоятлар, ноҳиялар, ихтисослар ва медицина билим юртлари нуқтаи назаридан абитуриентларни йиғиш ва ўқувчилар сафига қабул қилишни мақсадли қабул бўйича амалга оширади. Мақсадли қабул шартларида кирувчилар ўқишга қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланадилар; тиббиёт билим юртини битиргач ўз турар-жойларига ишга юбориладилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ЖУМҲУРИЯТИ УЧУН: фельдшерлар, акушеркалар, санитар-фельдшерларни — Нукус медицина билим юрти; фармацевтлар, фельдшер-лаборантларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, фельдшерлар, фельдшер-лаборантларни — Наманган медицина билим юрти; санитар-фельдшерларни — Андижон медицина билим юрти; фармацевтларни — Марғилон медицина билим юрти тайёрлайди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, фельдшерларни — Самарқанд медицина билим юрти; фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти; санитар фельдшерларни — Қарши медицина билим юрти; фельдшер лаборантларни — Бухоро медицина билим юрти тайёрлайди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар ва фельдшерларни — Гулистон медицина билим юрти; фельдшер-лаборантларни — Бухоро медицина билим юрти; санитар фельдшерлар, фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар ва фельдшерларни — Жиззах медицина билим юрти; фельдшер-лаборантларни ва санитар фельдшерларни — Бухоро медицина билим юрти; фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, фельдшер-лаборантларни, санитар фельдшерларни — Андижон билим юрти; фельдшерларни — Наманган медицина билим юрти; фармацевтларни — Марғилон медицина билим юрти тайёрлайди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ УЧУН: фельдшерлар, акушеркалар, санитар-фельдшерларни — Қарши медицина билим юрти; фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти, фельдшер-лаборантларни — Бухоро медицина билим юрти тайёрлайди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, санитар-фельдшерларни — Қарши медицина билим юрти; фармацевтлар ва фельдшер-лаборантларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, фельдшерлар, фельдшер-лаборантларни — Қўқон медицина билим юрти; акушеркалар ва фармацевтларни — Марғилон медицина билим юрти; санитар фельдшерларни — Андижон медицина билим юрти тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар — Чирчиқ ва Ангрен медицина билим юртлари; фельдшерларни — Янгийўл медицина билим юрти; фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерлар, фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркалар, фельдшер-лаборантлар, санитар фельдшерларни — Бухоро медицина билим юрти; фармацевтларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ УЧУН: акушеркаларни — Хива медицина билим юрти: фельдшерлар ва санитар фельдшерларни — Нукус медицина билим юрти; фармацевтлар ва фельдшер-лаборантларни — жумҳурият медицина билим юрти тайёрлайди.

Тошкент шаҳри учун барча ихтисослардаги мутахассислар Тошкент шаҳридаги медицина билим юртларида тайёрланади.

Жумҳурият электротехника медицина техникуми вилоятларнинг соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан берилган талабномалардаги мутахассисларга бўлган эҳтиёж миқдорини ҳисобга олган ҳолда умуман бутун жумҳурият учун мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

Барча медицина билим юртлари тиббий ҳамшираларни ана шу билим юртларининг вилоятлар ва ноҳияларга жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ноҳиялар нуқтаи назаридан мақсадли қабул шартларида тайёрлайдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТВ

8 ИЮНЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Такрорий фильмлар экрани. «Чорраҳа». Бадиий фильм. 12.55 «Хотира». Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-90», Физика. 18.10 «Арқон», Мультфильм. 18.20 «Сув — ҳаёт манбаи». Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш. 19.00 Коррекцион-педагогик ишларни такомиллаштириш мавзусидаги жумҳурият илмий-амалий кенгашининг давра суҳбати. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тилга эътибор». Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Экран таништиради», Кинокўрсатув. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 «Дилбарим». Кинокомедия («Ўзбекфильм»). 19.15 «Алдагани бола яхши». Телефильм. 19.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Маҳаллададаги учрашувлар».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Москва. Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.15 Москва. Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. 21.45 «Мерос». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Оқ пўстин». Мультфильм. 8.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Илмий хабарнома. 16.30 «Агар сиз...». 17.15 «Чемпионларнинг бошловчи спортчиларга маслаҳатлари». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Мусаввир устахонасида». Алексей Кузьмин. 18.45 «Маята». Ҳужжатли фильм. 19.15 В. Готовцева куйлайди. 19.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. Италиядан олиб кўрсатилади. 21.45 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.05 Брэйн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?» 4-сони. 22.40 «Нигоҳ». 00.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 «Дўстлик хороводида». СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти. 9.05 «Таушен». Оқин аёл ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 9.35 Болалар учун фильм. «Ғарқ бўлган шаҳарни изловчилар» («Грузия-фильм»). 10.45 «Гжель ўзи қанақа?». 11.30 С. Рахманинов номли II Бутунитифоқ конкурсининг лауреати А. Мордасов чалади (биринчи мукофот). 12.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 4-фильм — «Қизил қум». 2-серия.

* * *

17.15 «Дартс» нима ўзи?». 17.30 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Мультфильмлар; «Ўрмон саёҳатчилари», «Рамзеснинг ҳунарлари». 3-фильм. 19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Яшил сўқмоқлар». Мультфильм. 21.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Камерун терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Информацион программанинг давоми.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03292. Д. — 23479.